

МАҲАЛЛИЙ ОЗИҚ-ОВҚАТ БОЗОРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МУАММОЛАРИ

Банноев Шокиржон Шарипжонович

Наманган давлат университети мустақил тадқиқотчиси

Маълумки, озиқ-овқат бозорида таклиф биринчи навбатта маҳаллий истеъмолчиларга йўналтирилган бўлиши лозим. Маҳаллий озиқ-овқат истеъмолида нон ва нон маҳсулотлари ўрни сақланиб қолмоқда. Шу билан бирга, мева ва сабзавотларнинг истеъмол хажми ортиб бормоқда. Бу жараёнлар аҳоли фаровонлигининг миқдор ва сифат жиҳатидан юқори даражага эришаётганлигини билдиради.

Озиқ-овқат маҳсулотлари истеъмолининг миқдорий ва таркибий тузилиши жиҳатидан минтақа ҳудудлари бир-биридан деярли фарқ қилмасда, чорвачилик маҳсулотлари ва мева-сабзавотларнинг эркин нархларида сезиларли тафовутлар кузатилади. Буни фақат аҳоли даромадлари даражасидаги тафовутлар билан изоҳлаш етарли эмас, деб ҳисоблаймиз. Мазкур вазият логистиканинг етарли даражада ривожланмаганлиги ва ҳудудлараро товар ҳаракатида муайян қийинчиликлар мавжудлигидан дарак беради.

Қайд этиш лозимки, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва сотишда ўзига хос кластер гуруҳларини шакллантириш муҳим аҳамият касб этмоқда. Бу алоҳида маҳсулот ишлаб чиқариш турларининг муайян ҳудудларда тўпланишида ўз ифодасини топади. Шунинг учун минтақа ҳудудларида логистикани ривожлантириш бўйича чора-тадбирларни амалга оширишда аввалдан шаклланган кичик кластерлар мавжудлигини ҳам эътиборга олиш лозим. Чунки, кластерларда тармоқнинг ишлаб чиқариш эҳтиёжларига юқори даражада жавоб бера оладиган меҳнат ресурслари ва энг муҳими, тадбиркорлик ресурслари мавжуд бўлади ёки бу борадаги муаммоларни нисбатан тезроқ ҳал этиш имкониятлари мавжуд бўлади.

Минтақа ҳудудларида кластерларни шаклланиши табиий-иқлим шароитларнинг қулайлигига асосланади. Лекин, иқтисодиёт изчил равишда эркин тус олаётган шароитда ҳал қилувчи омил бўлиб ҳудуднинг тадбиркорлик салоҳияти биринчи ўринга чиқади. Кластернинг шаклланиши ва ривожланиши алоҳида олинган тадбиркорнинг ташаббуси, шижоати ва фидокорлигидан бошланади.

Ҳозирги пайтда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришда хусусий инвестициялар ҳал қилувчи рол ўйнайди. Бироқ, замонавий ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, масалан интенсив боғлар барпо этиш катта маблағларни талаб этади. Чунки, бундай йирик ишлаб чиқаришда натижалар дарҳол олинмаслиги, маблағлар муайян ҳаракатсиз туриши табиий ҳолдир.

Одатда масаланинг оқилона ечимларидан бири банк кредитларини жалб этишдир. Кредит бозорида қишлоқ хўжалиги субъектлари ўз ўрнини топа олишлари

учун чоралар кўрилиши лозим бўлади. Таъкидлаш лозимки, сўнги йилларда уй хўжаликларига чорва моллари сотиб олиш, паррандачилик, иссиқхоналар барпо этиш учун кредитлар берилиши маҳаллий озиқ-овқат бозорига ижобий таъсир кўрсатди. Аҳоли ва деҳқон хўжаликлари томонидан маҳсулотлар етиштириш ва қайта ишлашда даромад солиқларидан озод этилганлиги ҳам маҳаллий озиқ-овқат бозорига таклифни инвестицион рағбатлантиришнинг муҳим омили бўлмоқда.

Бозор таклифига салбий таъсир этаётган омиллардан яна бири озиқ-овқат маҳсулотлари харид нархларининг беқарорлигидир. Мазкур йўналишда расман давлат нархлари белгиланмаган, яъни эркинлаштирилган. Айни пайтда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқарувчилардан маҳсулот сотиб олувчи воситачи-тайёрловчилар ва қайта ишлаш корхоналари аввалдан тузиладиган шартномаларда харид нархларини аниқ кўрсатмасликка ҳаракат қиладилар. Хосилни йиғиштириш мавсумида эса ишлаб чиқарувчи уни паст баҳоларда етказиб беришга мажбур бўлмоқда. Шунинг учун маҳсулотни сақлаш омборларини барпо этишга қаратилган тадбирлар бу борадаги муаммоларни анча юмшатиши лозим.

Юқоридаги муаммолар сабабли озиқ-овқат маҳсулотларини қайта ишлаш қувватлари етарли даражада ривожланмаяпти. Бу эса ички талабнинг ўсишига тўқинлик қилинмоқда. Кейинги йилларда соҳада кўплаб янги корхоналар барпо этилаётган бўлсада, бу борадаги ишларни янада жадаллаштириш лозимлиги яққол намоён бўлмоқда.

Юқоридаги муаммолар юзасидан қуйидаги илмий-амалий хулосаларни ишлаб чиқиш мумкин:

□ боғдорчилик йўналишидаги фермер хўжаликларининг мева турлари бўйича диверсификация жараёни қоникарли даражада эмас. Мазкур ҳолат маҳсулотларни сотишдаги қийинчиликлар – харидорлар топиш, шартномалар тузиш, нархларнинг арзонлиги ва мавсум давомийлиги даврида ноаниқлик хатари, яқка тартибдаги улгуржи харидорларга сотиш жараёнида деҳқон хўжаликлари билан рақобатлаша олмаслик каби омиллар билан изоҳланади;

□ барча турдаги хўжаликлар бўйича етиштириладиган мева ва сабзавотлар таркиби ва сотиш мақсадларига кўра, меваларнинг катта қисми – олма, узум, ўрик, олхўри ва гилос, шафтолидан иборат бўлса, сабзавотларнинг таркиби эса – картошка, пиёз, сабзи, карам, помидор, бодринг, саримсоқпиёз ҳиссасига тўғри келмоқда. Хўжаликларнинг маҳсулот етиштириш таркибини белгалашга мойиллигидаги бундай «қутбланиш» ҳосил йиғиштириш мавсумидаги харид нархлари, талабнинг маҳаллий бозорлардаги барқарорлиги билан тавсифланади;

□ мева ва сабзавотлар етиштиришда ғоят катта ўрин эгалловчи деҳқон ва фермер хўжаликларида моддий-техник таъминот хизматларидан фойдаланиш даражаси паст бўлиб, бу биринчидан, мазкур хўжаликлар ер майдонлари ва ишлаб чиқариш хажмининг кичиклиги, иккинчидан, моддий-техник таъминот билан шуғулланувчи инфратузилма тармоқларининг деҳқон ва фермер хўжаликлари билан

хамкорлик қилишдан манфаатдорлигининг пастлиги, шартномалар асосида индивидуал тартибда хизмат кўрсатиш механизмларининг такомиллашмаганлиги, учинчидан, моддий-техник таъминот хизматларининг шартномавий нархлари деҳқон ва фермер хўжаликлари учун мақбул эмаслиги, тўртинчидан, кўрсатиладиган хизматлар турлари, уларни прејскурантлари ҳақидаги ахборотларнинг очик ва оммабоп эмаслиги, бу каби хизматлар бозорининг такомиллашмаганлиги каби сабаблар билан тавсифланади;

□ аксарият деҳқон хўжаликлари экинларни парваришlashда, агротехник тадбирларни қўллашда ўз ҳудудидаги ёки бошқа ҳудудлардаги тажрибали боғбон ва деҳқонлардан норасмий тартибда маслаҳатлар олишади. Бу биринчидан, «бозори чаққон» мева ва сабзавотлар турларини етиштиришга бўлган интилишнинг кучлилиги, иккинчидан, ҳудудларда экинларни парваришlash, агротехник ишлов бериш, маҳсулот етиштириш ва сақлаш бўйича маслаҳат беришда тўғридан-тўғри хизмат кўрсатувчи ихтисослашган тузилмалар фаолияти етарли даражада ривожланмаганлиги, учинчидан, томорқа хўжаликлари фаолиятининг беқарорлиги, ўта индивидуаллашганлиги бундай хизматлар фаолиятини ташкил этишга ўзига хос тўскинлик қилувчи омил сифатида баҳоланади;

□ улгуржи савдо корхоналари ва қайта ишлаш корхоналари томонидан маҳсулотларни ўта арзон нархларда харид қилиниши савдо соҳасидаги ноқулайликлар сифатида баҳоланмоқда. Айниқса, улгуржи савдо ва қайта ишлаш корхоналарининг рақобатчилари камлиги ҳамда сотиш билан боғлиқ қўшимча харажатларнинг мавжудлиги деҳқон ва фермер хўжаликлари манфаатларига зиддир.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Christopher L. Waltz. Local food systems: background and issues. - New York: Nova Science Publishers, 2011. – pp. 26-27.
2. Feenstra, G. Creating space for sustainable food systems: lessons from the field// J. Agriculture and Human Values. – Kansas: № 19 (2), 2002. – pp. 99-106.
3. Kristine Hahn. What is a food shed?// Michigan State University Extension. – Michigan: 24 (3), 2013. https://www.canr.msu.edu/news/what_is_a_food_shed
4. Jonnie B. Dunne, Kimberlee J. Chambers, Katlyn J. Giombolini and Sheridan A. Schlegel. What does “local” mean in the grocery store? Multiplicity in food retailers' perspectives on sourcing and marketing local foods// J. Renewable Agriculture and Food Systems. - Cambridge: № 26 (1), 2011. – pp. 46–59.
5. Dennis R. Between the farm gate and the dinner plate: motivations for industrial change in the processed food sector// J. The future of food: long-term prospects for the agro-food sector. – Paris: 1998, № 1. – pp. 111-140.